**Бепарво бўлсак ноқонуний қарорлар кўпаяди-да**

Фуқаролик ишлари бўйича Кўқон туманлараро суди мажлиси уни ўз ишига тиклаш ҳақида ҳақли қарор қабул қилди. Қарийб 400 кундан ортиқ бекор юрган ишчининг ҳуқуқи тикланди.

3-бет

**Меҳнат инспекторидан қачон қўрқмаса бўлади?**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудири Абдусалом РИСҚУЛЛАЕВ кадрлар хизмати мутахассислари дуч келадиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш тўғрисида ҳикоя қилади.

4-бет

**Дорисиз яшай оламизми?**

Нега энди касалликдан жонингиз қийналиб, ғам-ташвиш гирдобида қолдингиз. Бунга нима сабаб бўлди? Қай хатога йўл қўйдингиз? Ўйланг...

9-бет

**Қумни еб... шифо топди**

Хитойлик 60 ёшли Шен Шоудин кунига 3-4 қошиқ қум истеъмол қилади. Унинг сўзига қараганда, 18 йил давомида дори ўрнига қум ейиши ошқозон ярасини даволашга ёрдам берган.

11-бет


ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

O'.K.U.F. F.T.U.U.

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

2007 йил 20 январ, шанба № 10 (2267)




Икром ҲАСАНОВ олган сурат

*Ўйнаганлар бўлади хуш, Хоразмнинг лазгисига...*

Сарҳисоб

***Истиқлол йилларида аёлни қадрлаш, унинг жамиятдаги нуфузини ошириш борасида катта ишлар амалга оширилди. Қилинган сайъ-ҳаракатлар натижаси ўлароқ хотин-қизларнинг баркамол авлод тарбияси борасидаги имкониятлари янада кенгайди. Аёллар оила, рўзғор юмушлари, фарзанд тарбияси билан бирга давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳалар тараққиётига ҳисса қўшишдан ташқари илм-фан ривожида ҳам ўз иқтидорини намоён этмоқда.***

## Барча соҳада фаол

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қароридан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмита томонидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Оилаларни мустаҳкамлаш, аёлларни ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштириш масаласига эътибор кучайтириш, ахлоқ ва таълим-тарбия, айниқса, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасида ўтган йил якунлари ва Ижтимоий ҳимоя йили режаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда қўмита билан ҳамкорликда ишлаётган ташкилот вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Ҳомийлар ва шифокорлар йили давомида қўмита Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда жойлардаги бўлинмалари билан ҳамкорликда ҳар бир оилага кириб боришга, хотин-қизларни қийнаётган муаммоларни ижобий ҳал этишга ва уларга амалий ёрдам беришга ҳаракат қилди. Қўмита ташаббуси асосида Республика Марказий банки билан ҳамкорликда барча вилоятларда тадбиркор ва тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёлларга имтиёзли кредитлар бериш тизимининг моҳиятини тушунтириш, амалий ёрдам кўрсатиш бўйича семинар ва учрашувлар ўтказилди.

«Ҳуқуқий саводхонлик», «Донорлик», «СПИДга қарши кураш» ойлиги эълон қилиниб, бу борада қатор ижобий ишлар бажарилди.

Шунингдек, маданий ва маърифий тадбирлар, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, спорт мусобақалари ҳамда Дўстлик форумлари, акциялари каби турли тадбирлар ҳарбий қисмларда ўтказилди. Бундан кўзланган мақсад юртимизда аёллар фаоллигини ошириш, уларга ҳамиша ҳукуматимиз томонидан эътибор берилиб, ғамхўрлик кўрсатилаётганини англатишдан иборатдир.

Анжуманда қўмитанинг масъул раҳбарлари бу борада олиб борилган ишлар бўйича маъруза қилдилар. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА,**
**«Ишонч» мухбири**

*Шанба ҳикмати*

*Киши ўзгаларнинг бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган ҳисобланади.*

**Иоганн ГЁТЕ**

Тадбир

## ҚУДРАТИМИЗ – ДЎСТЛИКДА

Республика байналмилал маданият марказининг ташкил этилганлигига 15 йил тўлганидан хабарингиз бўлса керак. Боиси, ушбу сана муносабати билан ташкил этилиши режалаштирилган тадбирлар тўғрисида газетамизнинг ўтган сонларида маълумот берган эдик.

Кеча Ўзбекистон Бадиий Академиясининг кўргазмалар залида "Ўзбекистон бизнинг умумий уйимиз" мавзуида бадиий кўргазма ташкил этилди. Унда халқ миллий ҳунармандчилик ва амалий санъат намуналари ҳамда рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик асарлари томошабинларга тақдим этилди. Бундан ташқари, миллий маданий марказлар ва МКД фондининг нодир асарлари билан бир қаторда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси томонидан тақдим этилган 70 дан ортиқ Республика байналмилал маданият маркази фаолиятидаги энг ёрқин лавҳалар ҳақида ҳикоя қилувчи фотоасарлар ҳам ташриф буюрганларда катта таассурот қолдирди.

**Мактуба МЎМИНОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Марказий банк ахбороти | 1 Австралия доллари 974,98 | 1 БАА дирхами 338,13 | 1 Хитой юани 159,37 | 1 ЕВРО 1606,21 | 1 Турк лираси 869,03 |
| | 1 Англия фунт стерлинги 2435,14 | 1 АҚШ доллари 1241,85 | 1 Кувайт динори 4296,17 | 1 Россия рубли 46,73 | 1 Япон иени 103,30 |

*Юртимизда каратэчи қиз София Каспулатова ҳақида эшитмаган спорт мухлиси бўлмаса керак. У каратэ бўйича Осиёнинг беш карра чемпиони, Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги баҳсларининг бир неча бор ғолиби, яқинда Қатар пойтахти Доха шаҳрида ўтган XV Осиё ўйинлари олтин медали совриндори... Юзлаб, минглаб ёш каратэчиларни ғалабалари билан илҳомлантирувчи, ўз ортидан эргаштирувчи спортчи...*

*Биз яқинда София билан унинг галдаги режалари ҳақида суҳбатлашдик.*

# Ўзбек каратэси маликаси



***— София, аввало сизни Қатардаги ажойиб ғалабангиз билан табриклаймиз. Осиё ўйинлари таассуротлари қандай?***

— 2001 йил Малайзияда (60 кг.), 2004 йил Хитой Тайпейи (60 ва +60 кг.) ва 2005 йил Макаода (60 ва +60 кг. вазн тоифаларида) ўтган Осиё чемпионатларида ғолиб чиққандим. Бироқ 2002 йил Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида ўтган XIV Осиё ўйинларидаги натижам кумуш бўлди. Шу боис, Дохадаги баҳсларга жуда жиддий ҳозирлик кўрдим. Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси машғулотларимизга барча шароитларни яратиб беришди. Бунинг устига Осиё ўйинларидаги рақибларимни турли халқаро мусобақаларда, қитъа ва жаҳон чемпионатларида кўриб, улар ҳақида маълумотга эга эдим. Барча жанглар жуда муросасиз ва қийин кечди. Финал баҳсида Бирлашган араб амирликларининг энг кучли спортчиси билан татамига чиқдим ва учрашув 5:0 ҳисобида тугади. Азалий рақибамнинг финалдан кейин келиб табриклагани, ютуғим эвазига давлатимиз мадҳияси янграб, байроғимиз кўтарилгани, билсангиз, спортчига энг ёқимли лаҳзаларни тақдим этади. Қанчалик қувонганимни сўз билан таърифлаш қийин.

***— Мусобақа пайтида ҳаяжон бўлдими?***

— Албатта, Осиё ўйинлари нуфузли мусобақа. Барча давлат вакиллари ғолиб чиқишни хоҳлашади. Бироқ спортда, айниқса, каратэда ҳаяжонланиш спортчига фойда келтирмайди...

***— Кўча-кўйда каратэнинг усулларидан фойдаланишга тўғри келганми?***

— Болалигимда жуда урушқоқ қиз эдим. Каратэ машғулотларига қатнамасимдан аввал бу спорт турини фақат уриш ва тепишдангина иборат, яъни анча қўпол спорт тури, деб тушунардим. Аммо кейин кўрдимки, каратэ (шотокан) инсонга жароҳат етказмайдиган, аслида ўзини-ўзи ишонтириб, кучини бошқаришга ўргатадиган гўзал санъатга тенг спорт тури экан. Каратэда озғингина инсонлар ҳам ўз иродаларини тоблаб, шуғулланиб, қалин-қалин ғиштларни синдирадиган даражага етади. Мени мафтун қилгани ҳам каратэнинг ички имкониятлари кенглиги. Шунинг учун каратэчининг ғойибдан келгандек кучини кўрганда, катта-катта ҳайвонларни, буқаларни бир зарб билан йиқитганини кўрганимизда ҳайратланмаслик лозим. Энди саволингизга келсак, беш-олти йил олдин машғулотдан келаётганимда, болалар тегажоғлик қилмоқчи бўлишарди. Уларга бирданига каратэ усулларини қўлламасдим, гап билан тушунтирардим. Шунда ҳам йўлдан қочишмаса, қарши зарба қўллашга тўғри келарди.

***— Улар ҳам сиз билан уришармиди?***

— Бир-икки усул қўллаганимдан сўнг «Бу қиз билан ўйнашиб бўлмас экан», деб ўзлари узр сўраб кетишарди.

***— Ўзбекистон каратэ маликасининг турмушга чиқиш масаласида режалари қандай? Чунки, одатда йигит ёки қиз балоғатга етганда, уйдагилари уйлантириш ёки узатиш ҳаракатига тушиб қолишади...***

— Йигитлар уйланмоқчи бўлиб, розилигимни сўрашади. Аммо менинг орзуим жаҳон чемпионлигига эришиш. Турмушга чиқсам, табиийки, бу режаларимга халал бериши аниқ. Чунки қайси эр турмуш ўртоғининг икки ойлаб йиғинларда қатнашишига рози бўлади? Шунинг учун вазиятни йигитларга ётиғи билан тушунтираман. Қолаверса, уйда онам ҳам менинг ҳолатимни тушунади.

***— Оила аъзоларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз...***

— Дадам Элгизар Каспулатов (жойлари жаннатда бўлсин) вафот этган. Онам Ноила Каспулатова ва опам Оксана уй бекаси. Акам Руслан ва опам Луиза ҳарбий. Укам Наил эса каратэ билан шуғулланади. Ўзбекистоннинг бир неча марта чемпиони. Шунингдек, жияним, Юнир Кизиргалиев ҳам ёш каратэчи.

***— Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?***

— Уйда дам оламан, телевизор кўраман. Қизиқарли воқеалар, шов-шувли хабарларга қизиқаман. Замонавий модалар ҳақидаги журналларни ўқийман. Қаерда қандай кийиниш керак, бунга алоҳида эътибор бераман.

***— София, ҳозир кўпчилик инсонлар, масалан, қўшиқчилар ўз омадларини кинода синаб кўришяпти. Сизни ҳам бирор фильмга таклиф этишса, ўйнармидингиз? Гўзал қизсиз, дунёқарашингиз кенг...***

— Қўшиқчиларнинг рол ўйнаши уларнинг касбига яқинроқ. Бироқ менга қийин бўлса керак. Тасаввур қилинг, бирор лавҳани олгунча, режиссёр ўн марталаб суратга олдирса, чидолмасам керак. Аммо спортчи ёки каратэчи ҳақидаги характеримга яқин рол бўлса, ўйнашим мумкин.

***София Каспулатова ҳақида унинг устози, Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Алишер Содиқов шундай дейди:***

— София яхши спортчи. Меҳнаткаш, тинмай ўз устида ишлайди. Ёш спортчилардан ўз маслаҳатларини аямайди. Қашқадарё вилоят ҳокими кубоги ва Республика мусобақаларида ҳакамлик ишларида ҳам фаол иштирок этади. 2007 йилнинг ноябрида Японияда навбатдаги Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Каспулатова мазкур мусобақада ҳам мутлоқ чемпионликни сақлаб қолиш учун, қолаверса, Жаҳон кубоги мусобақасида яхши қатнашишга ҳаракат қилади.

***Ёрқин Раҳмонов, Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси:***

— София одамларни ажратмайди. Осиёнинг бир неча бор чемпиони бўлса-да, мағрурлик қилмайди. Чемпион бўлишдан олдин ҳам характери шундай эди, ҳозир ҳам ўзгармаган. Олдига қўйган мақсадига эришмасдан қўймайдиган, иродали қиз...

## ИККИ ДУРАНГ, БИР МАҒЛУБИЯТ

Ўзбекистоннинг футбол бўйича Олимпия терма жамоаси Пекин-2008 Олимпиадаси саралаш баҳсларига тайёргарлик кўриш учун БАА давлатида ўқув-машғулот йиғинида бўлишди.

Бирлашган араб амирликларида Вадим Абрамов шогирдлари маҳаллий «Эмирейтс» ва «Ал-Васл» жамоалари билан учрашиб, ҳар иккала ўйинда 1:1 ҳисобини қайд этишди.

Учинчи ўртоқлик учрашувида эса ҳамюртларимиз Болгариянинг «Литекс» клубига бой беришди — 1:3. Шу кунларда олимпиячиларимиз навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларини Туркияда давом эттиришмоқда.

## ШЛЕМ КИЙГАН ДАРВОЗАБОН

**Чехия терма жамоаси ва «Челси» клуби дарвозабони Петр Чех 2006 йил октябр ойида рақиб футболчиси билан тўқнашиб кетиб, оқибатда бош мия суягини шикастлаб олганди. Орадан бирмунча вақт ўтди. Дарвозабоннинг саломатлигини тиклашида ёрдам берган шифокорлар фикрига кўра, Чех майдонга чиқишга тайёр. Фақатгина у маълум муддат бошига махсус шлем кийган ҳолда дарвозани ҳимоя қилади. Яъни, камида икки ой.**

## ЮЛДУЗЛАРНИНГ ЁҒДУСИ «ХИРАЛАШДИМИ?»



Мадриднинг «Реал» клубида шунчалик кўп жаҳон юлдузлари тўпланганки, бундан ҳайратга тушмаган киши бўлмаса керак. Шунинг учун уларни мухлису мутахассислар «Галактикослар» деб аташади. Мана, эътибор қилинг: Раул, Роналдо, Бекхэм, Роберто Карлос, Рууд ван Нистелрой, Робиньо, Фабио Каннаваро... Бироқ жамоа бош мураббийи Фабио Капелло юқоридаги юлдузларнинг барчасидан ҳам бирдек фойдаланяпти, дея олмаймиз. Мисол учун, «Реал» аъзоси Луиш Фигу майдонга кам туширилгани боис, ўтган йил «Интер»га (Италия) ўтиб кетганди. Бу йил навбат Бекхэм ва Роналдога келганга ўхшайди. Гап шундаки, яқинда Дэвид Бекхэм барчани лол қолдириб, Американинг «Лос-Анжелес Гэлэкси» жамоаси билан беш йиллик шартнома имзолади. Август ойидан кучга кирадиган шартномага кўра, Дэвид MLS лигасида тўп суради. Унинг бу қарори «Реал» устози Капеллога ёқмаган кўринади. Мураббий Бекхэмнинг август ойигача Мадридда бўлишига қарамасдан, уни майдонга туширмоқчи эмас.

Шунингдек, Мадрид жамоаси асосий таркибига киритилмаётган бразилиялик Роналдога ҳам бир қатор клублар, жумладан, «Ювентус» (Италия) ва «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоалари қизиқиш билдиришган.



## ЖАМОАЛАР ТАРИХИ КИТОБ ШАКЛИДА

Маълумки, 2006 йилда ўзбек футболининг етакчи жамоаси «Пахтакор» қутлуғ 50 йиллик юбилейини нишонлаганди.

Тажрибали футбол журналисти Владимир Сафаров мазкур санага бағишлаб, «Пахтакор»нинг ортда қолган йилларда ўтказган барча ўйинлари ва тўп сурган футболчилари ҳақидаги «Пахтакор: летопись полувека» китобини мухлисларга туҳфа қилганди. «Пахтакор» Марказий стадионида катта футбол-шоу ташкил этилиб, бу кун мухлислар учун ажойиб, эсда қоларли кун бўлганди.

Бунга ўхшаш воқеа Донецкнинг «Шахтёр» клубида ҳам содир бўлди. Яъни, кончилар жамоасининг 70 йиллиги муносабати билан клуб раҳбарияти тарихий китобни босмадан чиқарди. Шунингдек, клуб президенти Ринат Ахметовга «Марс» сайёрасидан ўлчами футбол майдонига тенг келадиган ер ҳам совға қилинди. Чунки бу йил унинг ушбу масъулиятли лавозимда ишлай бошлаганига 10 йил тўлди.

## «ПАХТАКОР»ДА НИМА ГАП?

**Мамлакат чемпиони Тошкентнинг «Пахтакор» клуби ҳам январ ойининг биринчи ярмини Бирлашган араб амирликларида ўтказди. Жамоамиз дастлаб БААнинг «Эмирейтс» клуби билан учрашиши лозим эди. Бироқ, ўйиндан бир кун олдин амирликлар жамоаси аъзоларини олиб келаётган машина ҳалокатга учради. Ҳаттоки, тўрт нафар футболчининг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шу боисдан, «Эмирейтс» — «Пахтакор» учрашуви ўтказилмади. Вакилларимиз БАА олимпия терма жамоасига 2:1 ҳисобида ютқазган бўлса, маҳаллий «Ал-Айн» клубини шу ҳисобда мағлуб этди.**

**Саҳифани Акмал АБДИЕВ тайёрлади.**




## РЕКОРД ЎРНАТИЛДИ

Хитойда уяли алоқа телефонидан фойдаланиш бўйича рекорд ўрнатилди.

2006 йил статистик маълумотларига қараганда, Хитойда 449 миллион киши уяли алоқаларига абонент бўлган. Бу кўрсаткич давлатдаги телефонлаштириш коэффициентининг 33,9 фоизини ташкил қилган. Хитой шаҳарларида мобил алоқадан фойдаланувчилар 93 фоизга, пойтахт Пекинда эса 106 фоизга етган. Ҳар ўн кишида 12-16 та уяли алоқа телефони мавжуд.



## ОЛИМЛАРНИНГ УЛКАН ЮТУҒИ

Термоядро синтези соҳасида улкан ютуқларга эришилди. ITER халқаро лойиҳасининг қисми ҳисобланган EAST термоядро реактори билан тажриба ўтказди. Хитойлик олимларнинг айтишича, бу синов олдин 2006 йил сентябрида ўтказилган синовнинг давомидир. Бу ўзининг яхши натижасини берди.

Яқинда EAST тажриба ўтказишга киришди. Бу тажриба 10 февралгача давом этади. Целсий бўйича 100 миллион градусда қиздирилган диетри ва тритий атомлари бир-бири билан тўқнаш келади. Реакторда тўпланган плазма энергия бера бошлайди. Бу жараён 1000 секунд давом этади. Бошқариладиган термоядро синтези реакцияси кўп вақт давом этиши кутилмоқда. EAST директорининг айтишига қараганда, сарфланган ва олинган энергия 1:1,25, келажакда эса 1:50 ни ташкил қилади. Бу термоядро синтезида зиён кам, деганди.



## ОИТС «ЎЧИРГИЧИ» ТОПИЛДИ

***Пристон Университети олимлари Леор Ванбергар ва Томас Шенк ОИТС вирусининг «ўчиргичи»ни кашф қилди. Уларнинг таъкидлашича, ОИТС одамнинг иммунал катакчалар системасини зарарлайди, «ўчиргич» эса уни «уйқу» ҳолатига солиб қўяди. Олимлар молекуляр сигналларнинг ўз-ўзидан кўпайишига таъсир этувчи биокимёвий реакция занжирини ишлаб чиқдилар. Улар оқсил синтези балански орасида зарарланган катакчаларда вируслар кўпайишининг олдини олади. Муаллифлар кашфиёт ҳозирча фундаментал фан тараққиёти учун хизмат қилишини, лекин келажакда ОИТС вирусига қарши янги дори-дармонлар ишлаб чиқишни режалаштираётганларини айтишмоқда.***

## «ШИРИН ЖУФТЛИК»

**Россия-Белоруссия ўртасида бўлиб ўтган нефть можаролари энди шакар устидан бўлмоқда. Белоруссия Россия Федерациясига шакарнинг кириб боришини маълум миқдорда чеклади. Кузатувчиларнинг айтишича, бу чекловлар икки тарафга ҳам тегишли. Россияга шакар кириб келиши бўйича муаммони ҳал қилиш учун РФ қишлоқ хўжалиги вазири Алексей Гордеев ва Белоруссия вице-премьери Иван Бамбазия ўзаро бир тўхтамга келдилар. Шунга кўра томонлар 2007 йилда РФга Белоруссия 180 тонна, 2008 йилда эса 100 минг тонна шакар экспорт қиладиган бўлди.**



## БЕЛЬГИЯДА ҲАЙВОНЛАР ВАБОСИ

Бельгия шаҳарларида ҳайвонлар вабо касаллиги тарқалмоқда. Бу чўчқаларда кузатилмоқда. Касаллик 1999 йил Шумена шаҳрида рўйхатга олинган.

Маҳаллий тиббиёт хизмати ходимлари бу ҳақда маълумот берган. Ҳозирги кунда мутахассислар вабо тарқалган ҳудудларни аниқлаш билан банд. Маълумотларга қараганда, 164 та чўчқа бу касалликка чалинган.





## «ПРОГРЕСС»НИНГ ПАРВОЗИ

***Халқаро Бойқўнғир космодромидан Россиянинг «Прогресс» космик кемаси фазога кўтарилди. Кема бортига 2,5 тонна юк ортилган. Бу юкларни 5-отряд орбитасига етказиб бериш мўлжалланган. «Прогресс» станцияга нафақат ёқилғи, балки ҳаёт учун зарур бўлган сув ва кислород ҳам олиб кетмоқда. Шунингдек, улар орасида орбитада ишлаётганларнинг оила аъзоларидан совға-саломлар ҳам бор. Москва космик станцияси схемаси бўйича кема манзилга икки кунда етиб боради. «Прогресс М-59» космик станциянинг бу йил ҳисобидан фазога кўтарилган биринчи кемасидир. Йилнинг охирига қадар яна 3 та юк кемалари учирилиши мўлжалланган.***

## ҚУМНИ ЕБ... ШИФО ТОПДИ

Хитойлик 60 ёшли Шен Шоудин кунига 3-4 қошиқ қум истеъмол қилади. Унинг сўзига қараганда, 18 йил давомида дори ўрнида қум ейиши ошқозон ярасини даволашга ёрдам берган. Унинг таъкидлашича, бир одамнинг саратон касалидан қум ёрдамида халос бўлганлиги ҳақида газетада ўқиб, 1988 йилдан бошлаб у ҳам қум истеъмол қилишни бошлаган. «Мазаси менга жуда ёққан», дея хотирлайди у. Икки йилдан сўнг «дори воситаси» ижобий натижасини кўрсата бошлаган. Хитойликнинг иш қобилияти тикланиб, маҳаллий бозорга фаррош бўлиб ишга кирган.




## ЁВУЗ НИЯТИ АМАЛГА ОШМАДИ

**Британия полициясининг аниқлашича, 2005 йил 21 июлда Лондонда террор қилишга уринган Умар Ёсин коллежда ўқиб юрган даврида химия фанидан имтиҳон топширолмаган. Бу ҳолат унинг ёвуз ниятини амалга оширишига халақит берган бўлиши мумкин, деб ёзади хориж ОАВлари.**

**Умар Лондон транспортларида бир нечта қўпорувчилик ҳаракатларини уюштирмоқчи бўлган 6 террорчининг бири. Уларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ Британияда тўртта шундай ножўя ҳаракатлар содир этилган бўлиб, метронинг уч вагони ва автобуснинг портлаши натижасида 52 нафар йўловчининг умрига зомин бўлинган. Лондоннинг Сауфгейт туманида жойлашган Умар Ёсининг хонадони гуруҳнинг кимёвий лабораториясига айлантирилган. Улар лабораторияда алюмин кукуни ва водород пероксидини аралаштириб, қўлбола портловчи моддалар тайёрлашган. Бироқ, реагентлар концентрацияси ҳисоб-китоби тўғри олинмагани учун портлаш жараёни улар кутган натижани бермаган.**



**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«TULPOR» савдо уйи масъулияти чекланган жамияти**

Россия Федерациясининг барча турдаги «УАЗ» ва «ВАЗ» автомобилларини нақд пулга ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотишини маълум қилади.



* Автомобилларга буюртмалар ҳам қабул қилинади.
* Автомобилларга божхона солиғи тўланган.
* Уларнинг сифати тўла кафолатланади.



Манзил: Фарҳод ярмаркаси, 3-қатор.
Мурожаат учун телефонлар:
(8-371) 276-33-51.Факс: (8-371) 117-46-01.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда «Ўзметкомбинат» Акционерлик Ишлаб чиқариш Бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси Ўзбекистон қаҳрамони, электрда пўлат эритиш цехининг пўлат қуйиш оператори, Марказий Кенгаш аъзоси

**Абдураҳмон АБДУРАЗЗОҚОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

# БАҒИШЛОВ



**Азиз устозлару катта-кичик ижодкор дўстларга бағишланган бир ҳаваскор ижодкорнинг фикрий тизмаси**

*Кўнгилга солиб ҳис*
*ҳолиқул эгам,*
*Сўзим айтмоқ учун*
*чоғландим мен ҳам.*
*Устозлар кечиргай нотавонлиғим,*
*Қўлга қалам тутди беоромлиғим.*
*Балким ҳар сўзим пойи муаллақ,*
*Шоирликка даъво қилмасман мутлақ.*
*Наср устасидир бил, Одил Ёқуб,*
*Янги роман ёзмиш дилини ёқиб.*
*Қалами рост устоз Пиримқул Қодир,*
*Тарихдан хўп асар ёзишга қодир.*
*Абдулла Ориф шоҳ сатридаги сўз,*
*Арзийди дунёга қилсалар кўз-кўз.*
*Эркин Воҳид шеърларига қалб шайдо,*
*Бундай шоир қачон бўлғуси пайдо.*
*Шеър, рўмонлар ёзар қатордан-қатор,*
*Муҳаммад Али ёзганлари дил тортар.*
*Майдонда ростланди «Улуғ салтанат»,*
*Ўрганса ўргангулик насрий санъат.*
*Мозий-бадеада Пирмуҳаммад Шер,*
*Муҳаммад Алидан сўнг менда бор дер.*
*«Хонзодахонимни...» ёзди суйдириб,*
*Анча-мунча ёзувчини куйдириб.*
*Наср шонин юксалтди Хайриддин Султон,*
*«Бобурийнома»га нуқта қўйган он.*
*Достон ёзишга моҳир Тўлан Низом,*
*Сержило ижоди сабабдур интизом.*
*Жуманазар устоз руҳнинг жарроҳи,*
*Ижод дунёси анинг оромгоҳи.*
*Шеърият мухлиси Маҳмуд Мирзо,*
*Баҳри-байт айтишда барчадан зукко.*
*Қора сочидан китоби кўп меъмор,*
*Абдухалил китоб ишқида бедор.*
*Ноширу, носиру шоири ўктам,*
*Абдухолиқ домла «Куздаги кўклам».*
*«Кўзларимнинг қароғи» Абдусаид,*
*Китоби чиққан кун дўстларга ҳайит.*
*Замон Сайромийси Мирпўлат Мирзо,*
*Жаҳон шоирларга бўлубдур Мирзо.*
*«Эй, дўст...» деб шахдам келди Азим Суюн,*
*Шеърият осмонида бамисли қуюн.*
*Бетакрордир Ҳалима Худойберди,*
*Ашъорида ҳамиша янги сўз дейди.*
*Ўз кўнгил дунёсига кириб Усмон,*
*Чиқолмай юрибди ул юртдин ҳамон.*
*Шоирларни мадҳ этавермай, бир оз,*
*Олимлар зикрида тўхташ бўлур соз.*
*Ҳамиша ҳозиржавоб домла Норматов,*
*Бадийятни билар доим «норматив».*
*Таҳлилнинг устаси Қозоқбой Йўлдош,*
*Келсин драматургияга бироз ёндош.*
*Танқидчимиз Расулов Абдуғофир,*
*Китобин уқмаган ғофилдир-ғофил.*
*Сўнг йиллар очилди Ҳамид Болтабой,*
*Заҳирада фикр кўпдир ҳойнаҳой.*
*«...ўттиз лаҳзасида» дея Содиқ Санжар,*
*Билмассиз қўлида қалам ё ханжар.*
*Домлалар сардори Мадаев Омон,*
*Фольклорда пешволикни бермас ҳамон.*
*Камтарин, камсуқум Улуғбек Долим,*
*Қанийди унингдек бўлса ҳар олим.*
*«Олтин ёруқ»ни ёйmoққа қилиб жазм,*
*Олтойшунослик қаддин тиклар Насим.*
*Кўк турклар ҳақида ёзиб хўп битик,*
*Олимлар сафида Қосим турар тик.*
*Матншунос билгичи Нурбой Жаббор,*
*«Тафаккур» суҳбатин жўмарди минг бор.*
*Қодирий руҳини шодлаб Баҳодир,*
*Гўзал китоб иншо этибдур содир.*
*Жаҳоний танқидда Абдулла Ортиқ,*
*Ҳатто таржималар қиляпти тортиқ.*
*Танқид тулпорида Абдулла Улуғ,*
*Ҳар мақоласики бўлуғдан-бўлуғ.*
*Ҳангомада олға Шодмон сурар от*
*Бир қўлда қаламу, бир қўлда шахмат.*
*Шунослик майдонида Жўрақул Узоқ,*
*Назария бўйнига ташлади тузоқ.*
*Ижод кўрки — шеъриятга яна қайтгум*
*Дили оташ дўстлар ҳақида айтгум.*
*Ёбонда «канглун» излаб Отамурод,*
*Янги ташбеҳидин олам-олам шод.*
*«Тасбеҳлар»дан учлик тузиб Фарида,*
*Туғёнларин ипга тизиш пайида.*
*Қутлибека қалами шаффоф, тиниқ.*
*Шеърларининг мағзи қуюғу тўлиқ.*
*Назм осмонида бир Саййидий Сирож,*
*Ижоди топмоқда кундан кун ривож.*
*«Мени эслайсанми» — деб тилида бол,*
*Латиф ашъорларни битмоқда Иқбол.*
*Оддий сўзлари ҳам қўшиққа доир,*
*Кулни-да чўғлантирар Маҳмуд Тоир.*
*Мирзоларнинг сараси Минҳожиддин,*
*Таъби нозик, завқ туярсиз шеъридин.*
*«Геометрия» — шеър деди Фахриёр,*
*Ижодда унга бўлсин доим бахт ёр.*
*Теран фикрлайди Эшқобил Шукур,*
*«Ҳамал айвонида» ҳаммадан учқур.*
*«Ипангу» — довруқ солди Али Турсун,*
*Японча ёзишга-чи, шошмай турсун.*
*Сарбаст таржимада Рустам Мусурмон,*
*Интилар нафосат чўққиси томон.*
*Шиддати тошиб Бахтиёр Кенжамурод*
*У куз дарёсига тилайди имдод.*
*Сўзлари ўт Қутбиддин Абдували,*
*«... Олисга» етказар овозин ҳали.*
*Фасллар куйчиси Норқобил Қўчқор,*
*Ёмон шеър ёзишни кўп биладур ор.*
*Тароватли шеърлари-ла Хосият,*
*Фақат эзгуликни қилади ният.*
*Ижод бўстонида Улуғбек Ҳамдам,*
*Ҳар қандай жанрда ёзар истаган дам.*
*Аёллар бонуси Вафо Саломат,*
*Роман ёзди ўзидан-да аломат.*
*«Йўл» ҳақида ёзиб Луқмон Бўрихон,*
*Қиссачиликда ошди яна бир довон.*
*«Кўнглим гули» сатрин тутти Хумоюн,*
*Унинг камолидин ўқувчим, суюн.*
*Мухтасар айлабон қайдларимни,*
*Олдга қолдирдим айрим байтларимни.*
*Азизлар, маломат билманг сўзларим,*
*Фақат, қалбингизга қувонч кўзладим.*
*Сизларга соф кўнгил истагидир бу,*
*Пок ният, янги йил тилагидир бу.*

**Адҳамбек ОЛИМБЕК**

# Изохи сиздан...





Баланд дорга осилдингми,
Энди шундай туравер.
Панжа чарчаб қулаб тушсанг,
Пешонангдан кўравер.
Кўзларингни жовдиратиб,
Термулсангда нажот йўқ.
Нима бўлса бўлди энди,
Ўйлашингга ҳожат йўқ.
Ота бобонг мушук бўлган,
Томдан сакраб ўлмаган.
Чаққонликда эпчилликда,
Ундан зўри бўлмаган.
Сен ҳам мушук боласисан,
Қани, мард бўл... яшавор.
Кўзларингни чирт юмгинда,
Пастга қараб ташлавор.

**Содиқ ИСАЕВ,**
**Самарқанд вилояти**

**Мушукча:**
— Менинг ҳолимга тушмай десангиз, баланд дорга асло осила кўрманг!

**Бобоназар ИШМАМАТОВ,**
**Ғузор тумани**

*Сувга тушган мушукни,*
*Ҳоли шундай бўлади.*
*Баланд дорга осилиб,*
*Бир кун сўзсиз ўлади.*

**Венера НАБИЕВА,**
**Шофиркон туманидаги**
**18-мактаб ўқитувчиси**



**Энг яхши, энг қувноқ изоҳ эгасига махсус совғамиз бор. Энди навбатдаги суратга изоҳ топинг-чи?**

# Мунажжим башорати

**(22 – 28 январ)**



**ҚЎЙ.** Ўйламасдан қилган хатти-ҳаракатингиз қайғули оқибатларга олиб келади. Ундан эҳтиёт бўлиш учун мавжуд муаммоларни ҳал қилишга ўзингизни тўлиқ сафарбар этинг. Ҳаракатингизни тўғри режалаштира олиш маҳоратингиз тузоқлардан айланиб ўтишга имкон беради ва режалар хавфсиз амалга оша бошлайди.

**БУЗОҚ.** Келажагингиз касб соҳасидаги муваффақиятларга бевосита боғлиқ. Шундай экан, бор кучни бошлаган ишни якунлаш ва муҳим лойиҳаларни амалга оширишга сарфланг. Пайшанба ва жумада фойдали шартномалар тузиш ҳамда имзо чекиш муваффақиятли кечади. Якшанбани оилангизга бағишланг.





**ЭГИЗАКЛАР.** Бутун ҳафтани бошланган ишни якунлашга бағишлаш зарур. Бошланган ишни охирига етказмай туриб бошқа ишга чалғиманг. Пайшанба, жума кунлари фойдали битим тузиш ва эркин нафас олиш эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўз кучингизга ишонинг. Қўрқмай ишонч билан ҳаракат қилинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Ўқиш, малакани ошириш ёки чет тилларини ўрганиш вақти келди. Ҳар кунлик мажбуриятни бажариш билан бирга иккинчи даражали масалалар билан ҳам шуғулланинг. Лекин шошилманг. Уй ишлари ва шахсий муаммоларни тинч йўл билан амалга оширинг. Соғлиқ ва муҳаббатга бепарво бўлманг.





**АРСЛОН.** Эҳтиёжингиз ортмоқда. Сизнинг талабингиз тегишли даражада қаноатлантирилмайди. Балки келажак сизни ўйлантираётгандир. Афсуски, яқин орада ишингизда турғунлик рўй беради. Кераксиз можаролардан ва ортиқча чиқимлардан қутулиш учун муҳим қарорлар қабул қилишга шошилманг.

**ПАРИЗОД.** Нима қилмоқчи бўлсангиз ҳаммасини бир нафасда қилинг. Барча вазиятлар эҳтимоллиги юқори. Касб доирасидаги ва молиявий соҳадаги бир неча масалаларни бир вақтнинг ўзида ҳал қилиш қўшимча куч талаб қилиши мумкин. Ишда, оилада, шахсий муносабатларни ҳал қилишда эҳтиёткор бўлинг.





**ТАРОЗИ.** Ҳафта давомида сиздан фақат эҳтиёткорлик талаб этилади. Йўлингизда тўсиқ бўладиган қаршиликларни сабр-тоқат билан енгиб ўтишга тўғри келади. Лекин ҳаммасини бирданига қилишга уринманг. Ҳеч қачон баднафслик ва худбинлик яхши натижага олиб келмаган. Нимага ишора қилинаётганлигини англаяпсизми?

**ЧАЁН.** Ўзингизни бутунлай яхши ҳис қилишни истайсизми? Ҳаётингизни янгидан бошланг. Шанба куни шаҳардан ташқарига чиқинг. Мароқли дам олинг. Албатта, қайсидир ишга улгуролмаслигингиз мумкин. Лекин кимга ҳам осон бўляпти? Бошлаган ишни ташлаб қўйманг. Бироздан кейин иш ўз йўлида кетаётганини ҳис этасиз.





**ЎҚОТАР.** Лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай фурсат келди. Мансаб пиллапоясидан кўтариласиз. Сизга қанчалик фойдали бўлишини айтишмасин, шубҳали таклифлардан эҳтиёт бўлинг. Сизга моддий ва ижтимоий барқарорлик келтирадиган ишлар билан шуғулланинг. Бироз қариндошларни ҳам эслаб қўйинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Дангасалик ҳам, ташаббускорлик ҳам инобатга олинади. Ўз фаолиятингизда битта қоидага амал қилишни эсдан чиқарманг. Бир яхшига бир ёмон борлигини унутманг. Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам оқибатсиз қолмайди. Фақат яхши томондан ўзингизни намоён қилинг. Шундагина тақдир сизга кулиб боқади.





**ҚОВҒА.** Ишда ҳаммаси равон бўлади. Барча ўйлаганингиз амалга ошиши мумкин. Фақат танишлар ва ҳамкорларнинг ёрдамини рад этманг. Иш жойида кўплаб янги-янги дўстлар пайдо бўлади. Хизмат поғонасида кўтарилишингиз мумкин. Лекин бу муваққат, мансаб боқий эмас. Шунинг учун куйинманг.

**БАЛИҚ.** Бу ҳафтада ўзгалар ёрдамига суянманг. Фақат ўз кучингиз, қобилият ва билимингизга ишонинг. Олдинда турган вазифани ҳал қилиш учун ишга тўғри ёндошиб, аниқ режалаштирсангиз шахсий имкониятингиз етарлидир. Ҳолатлардан чиқиб кетиш йўлини ўзингиз изланг. Сизга зиён етказувчи вазиятлардан қочинг.



Ishonch

Бош муҳаррир
Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Таҳрир ҳайъати:
Алла Долженкова, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов

Бизга қўнғироқ қилинг:
Котибият: 153-52-78
Хатлар бўлими: 153-85-43

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0116-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Нашримиздан кўчириб босилганда «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига молик материаллар (h) белгиси остида чоп этилади.

Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - Ш.Норқулова
Навбатчи - Р.Сайдаҳмедова
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев

Саҳифаловчи-дизайнер:
Ю.Михайловский.

Буюртма Г—015
Тиражи: 19246

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.20

Сотувда эркин нархда
1 2 3 5 6 7 8